



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ГЕНЕРАЛ РУТБАСИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНИБ, МХХ ТИЗИМИДАН УЗОҚЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2017 йил 6 февралдаги Фармони билан Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизматининг Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи генерал Шухрат Ғуломовни рутбасидан маҳрум қилди ва МХХ тизимидаги ҳар қандай ишдан узоқлаштирди. Фармоннинг расмий сабаби сифатида “Шухрат Ғуломов давлат раҳбарининг буйруғини саботаж қилган”и эътироф этилди. Президентнинг мазкур қарори 6 феврал куни кечкурун Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида билдирилди. Шундай қилиб...

“Берия усули”даги зарарсизлантириш

Хавфсизлик Кенгашида ўтказилган мажлис махсус топшириқларни бажарадиган турли қисмлардан танлаб олинган 100 нафар аскар тарафидан қўриқланди. Президент Мирзиёев томонидан шахсан танлаб олинган бу гуруҳга президент ва унинг яқин мулозимларига қарши МХХ раиси Рустам Иноятов ва унинг собиқ ўринбосари Шухрат Ғуломовга хайрихоҳ аскарлар тарафидан уюштирилиши муҳтамаб бўлган

ҳужумлардан қўриқлаш вазифаси топширилган эди.

Мажлисида нутқ сўзлаган президент Мирзиёев генерал Ғуломов МХХнинг Сурхондарё вилоят бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланганига қарамасдан, Тошкентда қолиб, МХХнинг марказий аппаратида ишлашда давом этганини билдирди. “У [Шухрат Ғуломов – У.Ҳ.] гўё ҳеч наса бўлмагандай, Тошкентда қолиб, аввалги [МХХ раисининг биринчи ўринбосари] вазифаларини бажаришда давом этган ва президентнинг Фармонини [Шухрат Ғуломовни МХХнинг Сурхондарё вилоят бошқармасига бошлиқ этиб тайинлаш ҳақидаги фармонини – У.Ҳ.] очикча саботаж қилиб келган”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ғуломовни МХХ тизимидан четлаштириш ҳақидаги қарорни ўқир экан, президент “агарда Ғуломов давлат раҳбарининг янги Фармонига ҳам бўйсунмайдиган бўлса, у ҳибсга олинади ва, керак бўлса, унга қарши қурол ҳам қўлланилади”, - дея кўшимча қилди.

Хавфсизлик Кенгашида ўтказилган мажлис иштирокчилари Мирзиёевнинг шахсан ўзи

Ғуломовдан МХХ гувоҳномасини олиб, рутбасидан маҳрум қилганига гувоҳ бўлдилар.

Президентнинг аввалги топшириқларига нисбатан ўз норозилигини очикча ифода этиб келган Шухрат Ғуломов бу сафар ҳаддидан оша олмади ҳамда қуролланган аскарлар қаршисида давлат раҳбарига таслим бўлишга мажбур бўлди. Шавкат Мирзиёев МХХнинг кеккайиб кетган генералини мажлисдан очикча ҳайдаб юборди.

Мажлисида иштирок қилган Рустам Иноятов ҳам президент Мирзиёевнинг нишонидан четда

қолмади. Мирзиёев МХХ раисига қарата: “Рустам Расулович, янги ҳукуматга қарши парда орқасида қилаётган ўйинларингизни тўхтатадиган пайт келди!” – деди.

Хавфсизлик Кенгашида ўтказилган мажлисида Иноятов ва Ғуломов биргалишиб президентнинг бошқа бир топшириғини, аниқроғи, МХХ тасарруфида бўлган қаттиқ режимли 5 та қамокхонани ёпиш ҳақидаги топшириғини ҳам саботаж қилишгани тилга олинди. “Президентнинг топшириғига кўра, МХХ раҳбарияти аввалига Жаслик ва яна 4 та қаттиқ режимдаги қамокхоналарда сақланаётган сиёсий маҳбусларни озод қилиш ишларини, кейинчалик эса бу қамокхоналарни ёпиш ишларини бошлаши керак эди”, - деди Шавкат Мирзиёев. Бироқ, президентнинг сўзларига кўра, ўзбек махсус хизматлари раҳбари Рустам Иноятов ва унинг собиқ биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов “аввалига давлат раҳбарининг бу ташаббусига ўз эътирозларини билдириб, ҳар қанақасига қарши чиқишган ва кейинчалик бу қарорнинг ижросини атайлаб пайсалга солиб келишган”.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

МХХ раиси бу ҳамлани индамай қабул этди, чунки президентга билдирадиган ҳеч бир эътирози йўқ эди. Шундай қилиб...

Иноятов ва Ғуломов қандай қилиб Раматовни йўқотишмоқчи эди?

“Ўзбекистон Темир Йўллари” Давлат Акциядорлик Компанияси раиси Очилбой Раматов мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлангач, президент Мирзиёевдан темирйўл компаниясини ривожлантириш бўйича янги таклифларни бериш вазифасини олди. Мана шу топшириқни бажариш жараёнида О. Раматов “Ўзбекистон Темир Йўллари” компаниясига зарур бўлган товарлар ва ускуналарни етказиб бериш ҳамда ишлаб чиқариш бўйича барча тендерларни куч билан монополия қилиб (ўзиники қилиб) олган тўрт хусусий ширкатни темирйўл компанияси фаолиятдан узоклаштиришни таклиф қилди. Ушбу таклифни билдирар экан Очилбой Раматов, мазкур хусусий ширкатлар МХХ раиси Рустам Иноятов, унинг собиқ биринчи ўринбосари

Шухрат Ғуломов ҳамда собиқ мххчилар, ака-ука Ҳаёт ва Жавдот Шарифхўжаевларнинг қариндошларига тегишли эканлиги ҳақида президентни огоҳлантирди.

“Чекист”ларга тегишли бу ширкатларни “Ўзбекистон Темир Йўллари” Давлат Акциядорлик Компанияси фаолиятдан узоклаштириш ишлари бошланганда мазкур ширкатларнинг раҳбарлари Раматовга шахсан Иноятовдан “салом айтиб”, унга очикчасига ўлим билан таҳдид қилишди. Аммо темирйўл компанияси раҳбари бу таҳдидлардан кўрқмасдан, Иноятовнинг “чопар”ларини қувиб солди ҳамда юзага келган вазият ҳақида президентга хабар берди.

Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида Шавкат Мирзиёев бу мавзунини кўтариб, очкўз тўда Очилбой Раматовни кўрқитишга урингани ҳақида ҳам гапириб ўтди. МХХ раиси президентнинг бу ва бошқа айбловларига ҳам жавоб бера олмади. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Шухрат Ғуломовнинг рутбасидан маҳрум қилиниши ва махфий хизмат тизимидан узоклаштирилиши МХХдан

чиққан ўзбек олигархларига тегишли иқтидорнинг ва бизнес-салтанатнинг ярми қулаганидан дарак беради. Зотан, Иноятов ва Ғуломов мазкур иқтидор ва салтанатнинг сўнгги икки устунини эдилар. Энди бизнес-салтанатни химоя қилиш ишлари билан Рустам Иноятовнинг яқка ўзи шуғулланишига тўғри келади. Иноятов бу оғир ишни ёлғиз бошига эплай олиш-олмаслигини вақт кўрсатади.

Бундан ташқари, МХХ тизимидан қувилган шахс оддий генерал эмас, балки Рустам Иноятовнинг режаси бўйича ва Ислоҳ Каримовнинг оғзаки розилиги билан Ўзбекистон президенти лавозимига пинҳона даъвогар бўлиб келган, ўзини марҳум Ислоҳ Каримовнинг сиёсий меросхўри сифатида баҳолаб келган “кадр” эди.

Ғуломовнинг президент Мирзиёев томонидан жазоланиши собиқ генералнинг сиёсий орзу ва хирсларига чек қўйиш-қўймадлигини ҳам вақт кўрсатади.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,

сиёсатшунос
07.02.2017

Русчадан ЎХХ таҳририяти таржимаси

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида газ ва электрдан қарздорларнинг мол-мулки мусодара қилинаётгани борасида жазалиқлар "Озодлик" радиосига шикоят қилишган. Уларнинг айтишича, қарздорлардан ҳақни ундириш мақсадида ташкил қилинган ўн кишилик “хатлов гуруҳлари” уйма-уй юриб қарз ундиришмоқда.

Зафаробод туманида яшовчи Бахтиёр Умурзоқовнинг айтишича, видеотасвирчи билан келган ва ораларида милиция ҳамда прокуратура ходимлари бўлган гуруҳ унинг уйидаги моли ва телевизорини қарз эвазига олиб кетган. Бу воқеа eltuz.com нашрида ҳажв ҳам қилинди.

Жиззах газ таъминоти идорасидаги муҳандиснинг билдиришича, бундан олдин қарзини тўламаганлар иши судга оширилиб, мол-мулки мусодара қилиниши ҳақида огоҳлантирилганлар.



Газ ва электрдан қарздорларнинг мол-мулки мусодара қилинаёпти

Мулозимга кўра, Жиззах вилоятида 300 киши катта миқдорда газ қарздори сифатида жавобгарликка тортилган.

Газ идорасидаги мулозимнинг айтишича, бу тадбирлар президент Шавкат Мирзиёевнинг газ ва электр қарздорларига чора кўриш борасидаги январь чақириқлари ортидан тезлашган.

Жиззах вилояти бўйлаб газ ва электрга оид қарзни йиғиб олиш ҳақида вилоят ҳокимлиги махсус

тадбир ишлаб чиққан.

Бу тадбир доирасида газ ва электр идораси, милиция ва прокуратура ходимларини ўз ичига олган 10 кишидан иборат гуруҳлар туман бўйлаб қарз ундириш ишига сафарбар қилинган, дейди суҳбат давомида мулозим:

- Тадбир давомида аниқланган қарздорликни ундириш чоралари кўрилаяпти. Прокуратурадан вакил, ички ишлар вакили, суд вакили келарканда, кимнинг катта қарзи бўлса, шу ернинг ўзида прокурор жиноий иш очиб шу ернинг ўзида суд ҳукм чиқариб, қарздорликни қоплайдиган суммадаги телевизор бўладими, қўй ёки мол бўладими мусодара қилинаёпти,- дейди мулозим.

Унга кўра, бу тадбир учун Вазирлар маҳкамасининг 283-фармойишига асос бўлмоқда. Фармойишга кўра, мижознинг қарз миқдорини аниқлаш учун мол мулки хатланиши мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, сўнгги бир ҳафта орасида Тошкентдаги "Абу Сахий" улгуржи бозордаги товарлар нарх-навоси анча кўтарилган. Товар йўқлиги учун айрим дўконлар фаолиятини тўхтатган. Бунинг асосий сабаби, бозорда текширув кетаётганлиги ва "Абу Сахий" ширкати орқали хориждан юборилган молларнинг божхонада ушлаб турилгани билан изоҳланмоқда.

"Абу Сахий" бозорида 30 январь куни бўлган ва у ердаги шароит билан яқиндан танишган жиззахлик тадбиркорлардан бирининг айтишича, бозорда сотиладиган молнинг камайганлиги сабаб, нарх-наво кўтарилган:

"Карго ишламагани учун Абу Сахийда кўп нарсалар нархи ошиб кетди. Бир ойдан буён товар келмагани сабаб, сотиш учун мол ҳам тугади. Айрим дўконлар эгалари солиқчилар ҳар куни топширишни талаб қиладиган 4,5 миллион нақд сўмни савдо қилолмагани учун ишламай ҳам қўйишди", дейди тадбиркорлардан бири.

"Абу Сахий" бозорига Хитойдан мол олиб келадиган тадбиркорнинг айтишича, бозорга уч ҳафтадан буён мол киргани йўқ:

"Хитойдан юборилган молим Тошкентга етиб келганига 21 кун бўлди. Лекин, беришмаяпти.



"Абу Сахий"га мол кирмагани боис нархлар кўтарилмоқда

Божхонада ушлаб туришибди, экан. Бозорнинг катталаридан сўрасам, "шошмай турунг, февралда оласиз, сал текшир-текшир бўлиб турибди", деяпти. Нархлар ҳам ошиб борапти. Бозордан дўкон сотиб олмоқчи бўлган таниш тадбиркорлар ҳам бу ниятларини кейинга қолдирди, дейди тадбиркор.

Тошкентлик тадбиркор Шоира Содиқбекованинг айтишича, "Абу Сахий" бозорида ишлайдиган тадбиркор дугоналарининг хориждан юборилган товарлари ҳам ушлаб қолинган:

- Бозорда дўкони бор дугоналарим янги йил арафасида Туркиядан юк жўнатишган экан. Лекин ҳали ҳам олишмаган. Туркиядан сўрашса, жўнатганмиз, дейишар экан, бу ердан сўрашса, келмаган, дейишаркан. Ана шунақа қилиб, сарсон бўлиб юришибди. Булар бир-икки нафар эмас, жуда кўпчилик. Шунинг учун ҳам баъзилари тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туришга мажбур бўлишяпти, - деди Шоира Содиқбекова.

ЎХХ хабарлар бўлими

Моддий бойлик инсон жаҳолатини йўқотаолмайди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, The New Yorker журналининг 30 январдаги сонидида "АҚШнинг миллиардерлари ва йирик ширкатлари асосчилари қиёматга тайёргарлик кўра бошлагани" тўғрисидаги мақола чоп этилган.

The New Yorker журналининг 17 саҳифасини эгаллаган мақолада айтилишича, АҚШнинг энг бой одамлари ватандошлик уруши, табиий офатлар ва қиёматдан омон қолиш учун катта тайёргарлик бошлаган.

Масалан, Reddit ширкати раҳбари Стив Хафман 2015 йилда кўзини лазер операциясидан ўтказган.

"Агарда қиёмат қойим ёки бошқа офат юз бериб қолса, линза ва кўзойнак панд бериб қолиши мумкин. Шунинг учун кўзимни жарроҳлик амалиётидан ўтказдим", деб айтган Хафман.

Ширкат раҳбари ҳар эҳтимолга қарши иккита мотоцикл, анчагина қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат заҳирасини тўплаб қўйганини ҳам маълум қилди.

Фейсбукнинг собиқ менеждери Антонио Мартинез АҚШнинг шимоли-шарқидида одам қадами етиши қийин

бўлган бир оролни сотиб олган. У бу ерда кўёш энергияси ишлаб чиқарувчи панелларни қурди, генератор ўрнатди. Мартинез бу ишларни қиёматдан сақланиш учун ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўйганини айтган.

Қизиғи шундаки, охир замон бўлишидан ҳавфсираб талвасага тушадиган одамлардан фарқли ўлароқ, миллиардерлар ўз тадбирлари уларни қиёматдан қутқариб қолишига ишонади. Mayfield Fund ширкати раҳбари Тим Чанг Силикон водийси бошқарувчиларининг норасмий учрашувлардаги асосий мавзу қиёмат куни бўлиб қолганини The New Yorker журнали муҳбирига айтиб берган.

"Ҳар эҳтимолга қарши мен, хотиним ва тўрт ёшли қизимизга зарур бўлган энг асосий нарсалар солинган қопларни тайёрлаб қўйганмиз. Ҳар қандай офатга доимо тайёр ҳолатдамиз", деган Тим Чанг. Мақолада яна бошқа ўнлаб миллиардерларнинг "қиёматга тайёргарликлари" тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бундан аввалроқ National Geographic телеканали ҳам бу мавзунини бир неча

марта ёритган эди. Масалан, 2012 йилда "Қиёматга ҳозирлик" деган кўрсатув томошабинларга ҳавола этилган.

Мазкур кўрсатувда сўралган америкаликларнинг 40 фоизи ойликларининг бир қисмини пенсия жамғармасига тўлагандан кўра, бункерлар қуриш, бомбапаноҳларни барпо этиш, озиқ-овқат заҳирасини тўплаш учун пул ажратишни маъқул кўришларини айтган эдилар.

Survival Condo Project ширкати раҳбари Лари Холл эса каровсиз қолган шахтани 300 минг долларга сотиб олган. Холл бу шахтани 20 миллион доллар сарфлаб ер остидаги 15 қаватли бинога айлантирган. Бу бинода 12 та квартира, бассейн, тиббиёт маркази, мева-сабзавот етиштирувчи лаборатория, қурол-аслаҳа омбори, мактаб, кинотеатр ва спортзал мавжуд.

The New Yorker журналининг ёзишича, айрим миллиардерлар Янги Зеландия каби олис мамлакалардан уй сотиб олмоқда. Уларнинг фикрича, қиёмат ва бошқа офатлар бу каби олис ўлкаларга етиб бормайди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда кечаётган жараёнларнинг кейинги йигирма йилдан ортиқроқ даврига назар ташланадиган бўлса, бугунги кунгача давлат бошқарувида муҳим ўрин тутувчи куч ишлатар тизимларнинг деярли барчасида (айниқса, прокуратура, ИИБ, мудофаа, фавқулодда вазиятлар вазирлиги) биринчи раҳбарлари ўзгартирилди ва қайсидир маънода ислоҳ қилингандек қилиб кўрсатишга уринилди.

Шунча вақт давомида уларнинг ичида фақатгина битта, у ҳам бўлса якка-ю ягона миллий хавфсизлик хизматининг раҳбари-Рустам Иноятовгина ўз лавозимида муқим ўтириб келмоқда. Бу шахснинг нега бу қадар узок йиллар

курсида ўтириб келганлиги билан боғлиқ масала алоҳида мавзу.

Энг қизиғи ва энг ажабланарли томони шундаки, МХХ шу пайтгача қайси қонун ва қайси қоида доирасида иш кўриб келаётганлиги ҳалигача ўта мавҳум ва ўта сирлигича қолмоқда. Аслини олганда ҳам ҳамма гап айнан шунда. Яна ҳамма бало ҳам айнан шунга келиб тақалади. Шу боисдан ҳам энг алғов-далғовли ташкилот бўлиб қолмоқда.

Энди шу жойда ушбу энг нозик жиҳат билан боғлиқ масаладан биров чекиниб диққатингизни бутунлай яна бошқа бир муҳим томонга бурмоқчимиз. Яъни ана шунча йиллар мобайнида ушбу лавозимда давру-даврон суриб келаётган Р.Иноятовнинг бугунги кундаги ранги-рўйи, руҳий аҳволига доир баъзи тафсилотлар хусусида биров тўхталмоқчимиз. Чунки, бу шахс икки ўн йилликдан ҳам ортиқроқ давр мобайнида нафақат ўз халқи, миллати ва ўз юртигагина эмас ва унинг учун янада хавотирли бўлиши мумкин бўлган бошқа куч ишлатар тизимидагиларгагина ҳам эмас, балки ўзи раҳбарлик қилаётган хизматдаги қатор сафдошларига ҳам хиёнат қилганлиги билан боғлиқ жирканчли ҳолат айна дамда унинг кўз олдидан ўтаётган бўлса ажабмас. Ахир, унинг айна дамдаги ёши ва соғлиги ҳам уни худди шу борада қаттиқ қайғуришга



ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ РУСТАМ ИНОЯТОВ ТАЛВАСАДА, У ЎЗ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИБСГА ОЛИНИШИ МУМКИН

мажбур қилаётганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Бизга маълум қилган манбанинг таъкидлашича, шу боисдан ҳам Рустам Иноятов агар у ишдан кетадиган бўлса бошқа тизимдагилардан кўра кўпроқ ўз соҳасидаги ходимлардан дахшатли тарзда кўрқаяпти ва бундан қаттиқ талвасага тушиб қолган. Сабаби айнан шу миллий хавфсизлик хизмати соҳасида ҳам анча йиллардан буён меҳнат қилиб пасту баландни кўриб-кузатиб, сабр-тоқат ила ҳамма нарсани зимдан билиб, билсада, баъзан ўзларини билмасликка олишга ва баъзи жирканч ишлардан кўз юмишга мажбур бўлиб ўз иши-виждонига садоқати билан танилиб обрў-эътибор орттириб келаётган кадрлари ҳам йўқ эмас. МХХ раҳбари худди шу тоифадаги ходимларининг қурбонига айланиб қолишидан жиддий саросимага тушган. Энг дахшатлиси, унинг учун бу фожиали ҳолат кутилмаганда, дабдурустдан содир бўлиш эҳтимоли борган сари кучайиб бормоқда. Ҳаттоки, у ўз хизмат кабинетини тарк этишга улгурмасдан қўлга олиниши ҳам мумкин. Бу ҳолатни у жуда ҳам чуқур ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Чунки Р.Иноятов ўтган йили ўтиб кетган президент-И.Каримов давридаёқ у бир неча марта ишдан олиниш эҳтимоли олдидан ўзини ҳибсга олинишга асос

бўладиган фактлар тахт қилиб қўйилганлиги ва лавозимидан кетар-кетмас аллақачон тайёр бўлган бу папка президент столига устига бориб тушиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотдан ҳам қаттиқ чўчирди. Сабаби ўзи раҳбарлик қилаётган МХХ тизимида ўзига ишонган ва ўзининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати учун ҳар ерда жавоб бера оладиган, бир умр ҳалол меҳнат қилиб келаётган шундай тоифа-ходимлар ҳам борки, улар доим масофа сақлаган ҳолда фақат ўз вазифаси доирасидагина ўзаро муносабатда бўлиб келган. Худди шу гуруҳнинг ичида Иноятовнинг ҳали жуда кўпчилик хабардор бўлмаган, ҳеч ким

билмайдиган, ҳали МХХ биносидан ташқарига ҳам чиқишга улгурмаган сир-асрор, кирдикорларининг ипидан-игнасигача биладиганлари ҳам бор. Улардан аллақчаон қутилиши мумкин эди. Лекин негадир бош раҳбар бўлатуриб бунга журъат этолмаган, аксинча, уларга нисбатан жуда эҳтиёкорлик билан муносабатда бўлинган ва ўйлаб-қўйиб муомала қилинган. Ҳар ҳолда биз билмаган бошқа бир янада жиддийроқ сабаблар ҳам бордир, балки. Айтишларича, ушбу тоифадагиларни “метин гуруҳ” ҳам аташ одат тусига кирган.

Нимадир бўлади-ю, худди шу гуруҳдан бириси Иноятовнинг ҳовлисида уюштирилган тор доирадаги зиёфатда иштирок этади. Ушанда у меҳмондорчилик давомида янада муҳим маълумотга эга бўлиб қолади. Зиёфатда ўтирганлардан бириси қатор нарсаларни оғзидан гуллаб қўяди. Бу ҳолатдан ҳижолатга тушган МХХ раҳбарининг ҳалигача ичини ит тирнайди.

Бизгача етиб келган аниқ маълумотга кўра, Андижон қирғинидан кейин МХХ раиси Р.Иноятов ва давлат солиқ қўмитаси раҳбари Ботир Парпиевнинг қуда-андачилигига деярли барҳам берилган. Оилавий борди-келдиларга жиддий дарз етиб, ажралишишлар ўша пайтда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

содир бўлган, аслида. Лекин бу икки текинтомоқ-лавозимдор шахс аини вақтда ҳам келаётган даромадлар, ўзаро кўрилатган йирик манфаатлар боис имкон борича сир бой бермасликнинг ҳаракатини қилиб келмоқда. Чунки, сонияма-сония, дақиқама-дақиқа, соатма-соат, кунма-кун жуда катта микдордаги, айтиш мумкинки, беҳисоб бойликлар оқими узлуксиз тарзда уларнинг хазинасини янада тўлдириб бораётганлиги ҳеч сир бўлмай қолди. Энг улкан фожиали томони шундаки, халқнинг, миллатнинг, шу мамлакатнинг миллий ва табиий бойликларини талон-тарож қилиш, уни ўзлаштириш, янада ачинарлиси, ушбу бойликларнинг четга тўхтовсиз ташиб кетилаётганлиги билан боғлиқ кенг миқёсли кампания-очкўзликнинг бошида ҳам худди шу Р.Иноятوف турибди. Айнан унинг ўзи томонидан “ихтиро” этиб қўйилган коррупцион занжир темирга айланиб ўзининг бўйнига урилиши мумкинлиги унинг ҳаловатини бузган. Шу сабабдан ҳам у ўз лавозимида имкон қадар узоқ қолиш йўллариини излаётганлигига шубҳа йўқ.

Кўпчилик жуда яхши биладики, Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизматининг энг манфур одат- иш услубларидан бири бу олдиндан нимадир-кимдир ҳақида миш-миш тарқатиш орқали жамоатчилик фикри шакллантирилиб кейин унга ҳужумга ўтиш орқали мўлжалга олинган нишон бадном қилинишидир. Давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган Мавлон Умрзоқов худди шундай табдирнинг қурбони бўлганлиги бунга ёрқин мисол бўлади. Балки бу унинг лавозимдан олиниши ва ҳибс этилишига сабаб бўлган табдирнинг бир қисмидир. Худди шу борада содир бўлган бир воқеа жуда яхши эсимда қолган. Аввалига

бу президент маслаҳатчисининг кимлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда тил бириктириб давлат тўнтариши қилиш мақсади бор эканлигини акс эттирувчи варақа Тошкент шаҳри бўйлаб бекатларда, кўпроқ жамоат жойларида ва айниқса, талабалар шаҳарчаси ҳамда барча олий ўқув юртлари ва ҳаттоки, факультет-деканатлари эшикларида ҳам пайдо бўлганди.

Бизга маълум бўлишича, ушбу миш-миш тарқатилиш амалиёти ва унинг оқибати ҳақида М.Умрзоқов хабардор қилинганда, у ўзига шу қадар ишониб шунчаки қўлини силтаб унга эътибор ҳам бермаган экан. Афсуски, шу миш-миш воқеасидан олти ой ҳам ўтар-ўтмасдан миллий хавфсизлик хизматининг марказий аппарати ҳовлисида қўллари занжирбанд қилинган давлат маслаҳатчиси-Мавлон Умрзоқовни ўз кўзи билан кўрган машинистка-хоним бу ҳақда ҳаяжон билан сўзлаб берганди.

Иккинчи бир мисолга тўхталсак. Андижон воқеасидан анча вақт илгари, яъни бир йил-ярим икки йил олдин “ички ишлар вазири Зокир Алматов Ўзбекистонга президент бўлар экан, у шунга жуда катта тайёгарлик ишларини бошлаб юборибди” деган миш-миш урчигандан урчиб борди. Сабаби шу одамнинг саъй-ҳаракати билан милиция ходимлари сони кескин оширилиб ушбу тизим мамлакатда қудратли кучга айланганлиги кишилар ўртасида бот-бот тақрорланадиган бўлди. Ўзи аслида ҳам худди шундай бўлиб бораётган эди. МХХ биргина милицияни ҳибсга олса, ИИВ икки нафар мхх ходимини подвалга тикиб қўя бошлагани ҳам фактга айланиб бораётганди. Ана шундан сўнг Андижон қатлиоми боис масъулият ва бошқа бир қатор нарсалар З.Алматовнинг бўйнига юкланиб ундан ҳам қутилиб қўя қолишди. Ички ишлар вазиридан қутилиш И.Каримов ва айниқса,

қузатувчиларга кўра, шунинг учун ҳам ички ишлар вазиридан қутилиш унчалик ҳам осон иш бўлган эмас. Кейинги вақтларда кўпчилик томонидан бот-бот эсга олинаётганлигига қараганда, бўлиб ўтган бу каби хотирадан ўчиши мумкин бўлмаган воқеалар Зокир Алматовнинг ҳам ва унинг атрофидагиларнинг ҳам ҳамда унга МХХнинг ичидан туриб хайрхоҳ бўлганларнинг ҳам ёдидан кўтарилмаганлиги аниқ.

Қолаверса, жорий президент Шавкат Мирзиёев ва шахсан унинг оиласи, яна қайсидир жияни ҳақида ҳам бир-бирига қарама-қарши маълумотлар ва ҳаттоки, кишининг кўзи тушса уялиши мумкин бўлган фотосуръатларни интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ташаббускори ҳам айнан МХХ раҳбари Р.Иноятوف эканлиги борасидаги гап-сўзлар ҳам бекорга урчимаганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Унинг бундайин ташаббускорлиги ортида негадир эртароқ бошлаб юборилган обрўсизлантиришнинг кўз илғарилғамас ишорат-белгилари ётганлигини сезиш мумкин. Нима бўлганда ҳам Иноятов бу борадаги тарғибот кампанияси билан дастлабки қадамни ташлашга улгурди. Бу усул И.Каримов ва унинг оиласига ҳам қўлланилган ҳамда у қандай натижа берганлигидан жамоатчилик яхши хабардор.

Худди шу аччиқ хотиралар ва бундан бошқа ҳали биз билмаган жуда кўп сирли, мисли кўрилмаган даражадаги даҳшатли ҳодисалар бугунги кунда Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовнинг қаттиқ талвасасига сабабчи бўлаётганлигини инкор этиб бўлмайди.

Айниқса, у ўзи раҳбарлик қилаётган МХХ тизимидаги ўз ходимлари томонидан ҳибсга олиниши эҳтимоли кучайиб бораётганлигидан янада жиддий ташвишланаётган бўлса не ажаб. Сабаби ана шундай инсон зотининг ҳали ақли етиши мушкул бўлган қилмишлари қаршисида қолган МХХ раҳбари аини шу ҳатти-ҳаракатлари борасида ҳисоб бериш вақти-соати тобора яқинлашаётганлигини янада чуқур ҳис этмаслиги мумкин эмас.



Р.Иноятов учун катта ғалаба эди. Чунки деярли ҳар куни Салим Абдувалиевнинг эшигидан берига келмайди ган З.Алматовни вазириликдан мосуво қилиниши учун жиддийроқ асос зарур эди. Баъзи

Абдуворис Салом
11.02.2017

Нарзулло Охунжонов

**“МАМЛАКАТНИ КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?”**

(Биринчи мақола)

ЖИЛОВ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Бугун Ўзбекистондаги вазиятни четдан туриб кузатган киши бу давлатнинг эгаси бор, уни кимдир, яъни президент бошқараяпти, деб ўйлаши шубҳасиз. Аслида ҳам шундайми? Афсуски, ундай эмас. Чунки менинг бошимдан ўтган воқеа-ҳодисалар натижасида ҳокимият тизимида фош бўлган баъзи бир ҳолатлар буни ҳар жихатдан тасдиқлайди. Сабаби мен ва оиламга нисбатан 2012 йилдан бошланган таъқиб ва тазйиқлар доирасининг янада кучайиб ва кенгайиб бориши боис ушбу ҳатти-ҳаракатларни ўрганишларини сўраб адолатни юзага чиқариш мақсадида қилган шикоятларимдан бирон-бир жўяли натижа бўлмагандан сўнг шундай хулосага келдим ва бу хусусда алоҳида кейинги чиқишларимда батафсил тўхталаман.

Айниқса, бугунги кунда президент Ислоҳ Каримов томонидан ишониб юқори лавозимга тайинланган мансабдор шахсларнинг жамиятда кейинги вақтларда пайдо бўлган баъзи бир пулдор-қаллобларнинг, яъни ноқонуний, жиноий йўл билан бойиб ўзича ўзини “тадбиркорман” деб юрган кимсаларнинг қўлида қўғирчоққа айланиб қолганлиги бутун бир жамиятни таназзулга юз тутишига сабаб бўлаяпти, десак асло муболага бўлмайди. Бунга жуда қўплаб мисолларни келтириш мумкин. Энг ёмони ва унинг хавфли томони бу каби бошбошдоқликлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда адолатсизликнинг илдиз отиши ва борган сари шу аснода мавжуд вазиятнинг мавҳумлашиши-кескинлашишига туртки бўлмоқда.

Энди бу борадаги фикримизни тасдиқлаши мумкин бўлган аниқ-тиниқ деталларга таянилган далилларга мурожаат қиламиз.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Ходжаевнинг ушбу лавозимга тайинланиши биланок бу йўсинда у дарҳол узининг мустақил фикри ва дунёқарошига эга бўлган, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қиладиган журналистлар ва умуман, ана шундай ходимларга қаратилган таъқиб-тазйиқи, ҳатто, айтиш мумкинки, даҳшатли террорининг

**ЖИЛОВ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?**

бир қисми сифатида намоён бўлган ҳатти-ҳаракатлар 2013 йилда бутунлай бир бошқача қиёфада бўй кўрсата бошлади. Яъни миллий телерадиокомпаниянинг режим ва хавфсизлик хизмати орқали шу тизимда ишлаётганларни ёллаш ҳамда уларга берилган махсус топшириқ асносида юқорида таъкидлаганимиздек, ўз кўз-қарашлари, хусусан, танқидий нуқтаи-назарига эга бўлганларга нисбатан турли фитна-ю, бухтонларни уюштиришнинг янгича усулига ўтилди. Кимгадир бу усул танишдай, эскича бўлиб туюлиши мумкин.

Лекин нима бўлганда ҳам журналистни журналистга қарши ёллаш ва ёлланган шахснинг овоз ёзиш ускуналари билан таъминланган ҳолда фаолият олиб бориш вазифаси юкланганлиги ва энг қизиги, бу кимсанинг аёл киши эканлиги ажабланарлидир. Чунки, у бир эмас, балки бирагўла икки нафар журналистга нисбатан айна шу йўналишда иш олиб борган. Унинг бу борадаги уринишлари, қилмишлари бирма-бир фош бўлиб қолишига қарамасдан ва бундан телерадиокомпания раҳбари шахсан А.Ходжаевнинг хабардор бўлатуриб унга нисбатан ҳеч қандай реакция қилинмаганлигининг ўзи бу каби ҳаракатнинг ортида шахсан раиснинг ўзи турганлиги ва бу амалиёт бевосита у томонидан уюштирилганлигига жиддий ишора ва буни руй-рост тасдиқлайдиган яққол далилдир. Ҳозир асосий гап бу ҳақда эмас. Энг муҳим жихат, яъни гап шундаки, фош этилиши билан қўлга киритилган аудиоёзувларнинг маъно-мазмунида эканлигига асосий

диктатингизни қаратмоқчимиз.

Яна шунга алоҳида урғу бериш жоизки, ушбу ёзувларнинг барчаси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг радиодаги мухбирлар тармоғининг монтажхонасидан топилганлиги ва унда жуда қўплаб кишиларнинг овозлари ёзиб олинганлиги ҳамда унинг давлатга қарашли компаниянинг ўзидаги компьютерлардан чиққанлиги ҳам ҳар қандай кишини янада сергаклантиради.

Албатта, сиз ушбу ёзувнинг ким томонидан не машаккатлар-у, не устамонликлар билан диктафонга туширилганлиги билан жуда ҳам қизиқингиз табиий. Бу борадаги фаолиятнинг ҳадисини олган ва буюртмани кўнгилдагидек, бекаму-кўст бажарган ҳамда бу каби кенг миқёсли амалиёти билан республикада танилган шахс бу “Ўзбекистон” телерадиоканалининг радиодаги Қорақалпоғистон ва вилоятлар мухбирлар тармоғининг масъул ходимларидан бири Собира Бўлдиевадир. Бу хоним шу борадаги севимли машғулотида нафақат компания раиси Алишер Ходжаевнинг буюртмасини бажаради, балки ундан ташқари, мустақил равишда ўзининг оиласи, опа-сингилллари, бутун қариндош-уруғлари билан ҳам бўлиб ўтган суҳбат-мулоқотларни ёзмасдан туролмайди. Айниқса, ўзининг айтиши ва билдиришича, ўта бой-пулдор, миллиардер-катта акаси Бўлдиев Мустафони “чув” тушириш учун уни ҳар бир сўзининг бир мисқолини ҳам қолдирмасдан овоз ёзиш ускунасига туширади.

Энди асосий масаладан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

чалғимасакда, Бўлдиева Собиранинг турмуш ўртоғи Рўзиев Сулаймон билан биргаликда акаси Бўлдиев Мустафонинг уйида бўлиб ўтган ўзаро суҳбат ёзиб олинган биздаги мавжуд 5310475 рақамли ёзувни тинглаган ҳар қандай инсон “Ўзбекистон дея номланган давлатни ким бошқараяпти ўзи, бу юртнинг эгаси борми-йўқми” деган фикрга ҳеч иккиланмасдан бориши шубҳасиздир. Сабаби, Собиранинг акаси Мустафонинг баралла ва ишонч билан айтган сўзларига қараганда, у Ўзбекистонда “любой” ишни қила олиш қудратига эга. У хоҳласа тўғри кетаётган ишни бутунлай тескарисига айлантириб юбориши мумкин экан. Унга мамлакат ичкарисида ҳар қандай ишни “аъло” даражада бажара олиш ҳеч қандай муаммо эмас. Истаган одамнинг тақдирини истаган томонига, яъни хоҳ яхши, хоҳ ёмон томонга, албатта, ҳуқуқ-тартибот органлари ёрдамида буриб юбориш унинг учун чўт эмас. Агар ҳақиқатдан ҳам бойликлар ҳалол йўл, машаққатли меҳнат, пешона тери билан топилганида эди, бунчалик даражада катта гапирмаган бўларди.

Чунки, Бўлдиев Мустафо ушбу ёзиб олинган суҳбатда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Қодиров Рашидjon Ҳамидовичга унинг одамлари орқали қанча миқдордаги доллар-пора берганлиги ва улар билан қанақанги ишларни олиб бориши, икки марта судланган куёви Неъматов Улуғбекни терговдаги ишини қанақанги йўллар билан тинчитганлиги, Тошкент шаҳрининг собиқ прокурори Мелис Наимов билан ўттиз минг долларлик қанақанги “сделка”ларни амалга оширганлиги, Республика Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовнинг Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Мираълам Мирзаев билан қай даражадаги қариндошчилик ришталари мавжудлиги ҳамда уларнинг кимлар билан алоқалари борлиги, бундан ташқари, унинг йўлига тўғаноқ бўлишга уринган бухоролик Рўзиев Анварни ва Бафоқулнинг укаси Исоқулни қай аҳволга солганлиги ва ҳаттоки, унинг Украина мафияси билан ҳам қанчалик алоқага эга эканлиги ва шунинг учун ҳам унинг қўлидан жуда кўплаб ишлар келишини мароқ билан гапириб бериши мамлакатни кимлар бошқараяпти, деган катта саволни ўз-ўзидан ўртага ташлайди. Хўш, шундай экан, бугун мамлакатни ким, кимлар бошқараяпти?

“Любой” иш қўлидан келадиган ва бу борада ўзининг пулига ишониб юрган, қандайдир мафиялар билан алоқам бор дея, мақтаниб юрган Бўлдиев Мустафога ўхшаганларми? Ёки президент ишониб қўйган ва ҳар қандай ишни тескарисига айлантириб юборадиган баъзи пулдор-қаллобларнинг қўлида қўғирчоққа айланиб улгурган мансабдор шахсларми?

Бу ҳақдаги барча материаллар факт-далил-дисклар билан Ўзбекистон Республикаси Президентига, миллий хавфсизлик кенгашига, бош вазирга, бош прокурорга, миллий хавфсизлик хизмати раисига, ички ишлар вазирга юборилган. Бироқ бирон-бир жўяли жавоб ҳам, реакция ҳам бўлган эмас. Фақат қайсидир инстанцияга юборилганлиги хусусидаги икки қатордан иборат жавоб хатидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Тегишли идораларга юборилган хатларнинг деярли барчаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисига келиб тушган. Худди шу ҳолатнинг ўзи мамлакатда коррупцион доиранинг нақадар кенгайганлиги ва унинг ҳаддан ташқари чуқур илдиз отганлигининг кўрсаткичи ҳамда далолатидир.

16.01.2014 йил.
(давоми бор)

Маҳкама мана шундай бўлади!

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, АҚШ Федерал апелляция суди Адлия вазирлигининг президент Трампнинг муҳожирларга оид фармони ижросини зудликда тиклаш бўйича киритган даъвосини қондирмади. Аксинча, маҳкама Трамп маъмуриятдан фармон чиқарилишига сабаб бўлган асосларни 6 февраль тушга қадар судга тақдим этишни сўради.

5 февраль куни Сан-Франсискодаги АҚШ Федерал апелляция суди Адлия вазирлигининг президент Трамп фармони ижросини зудликда тиклаш бўйича киритган даъво аризасини қондирмади.

Аксинча, маҳкама Трамп маъмуриятдан ушбу фармоннинг чиқарилишига сабаб бўлган асосларни 6 февраль тушга қадар судга тақдим этишни сўради.

3 февраль куни Сизтл федерал ҳаками Доналд Трампнинг муҳожирлик фармони таъсирини қисман тўхтатиб қўйган эди.

4 февраль куни АҚШ Адлия вазирлиги бу қарор устидан шикоят аризаси киритган, президент Трамп эса шикоят қондирилишига ишонч билдирган эди.

Трамп фармони эълон қилинганидан буён номи тақиқ рўйхатига тушган 7 мамлакат фуқароларига берилган 100 мингта виза бекор қилинди. АҚШдаги аэропортларда эса йирик норозилик намоёнликлари бошланди.

Бундай ҳаракатни қўлламаган ва президент фармонини судларда ҳимоя қилишдан бош тортгани учун АҚШ Адлия вазири ва бош прокурори бўлган Салли Йетс ишдан бўшатилади.

Президент Трамп Салли

Йетснинг ўрнига адлия вазири ва бош прокурор вазифасини бажарувчи этиб аввал Виржиния штати Шарқий округи прокурори лавозимида ишлаган 62 ёшли Дана Боэнтени тайинлади.

Аҳолиси асосий қисми мусулмон бўлган 7 давлат - Эрон, Ироқ, Ливия, Сурия, Сомали, Судан ва Яман фуқароларининг АҚШга киришини 90 кунга, қочқинларнинг киришини эса 120 кунга чекловчи фармонни президент Трамп 27 январь куни имзолаган ва бунга хавфсизликни сабаб қилиб келтирган.

Дастлаб бу тақиқ Green Card эгаларига ҳам таалуқли эди. Аммо, АҚШ ва дунёнинг қатор давлатларида бошланган норозиликлар ортидан президент Трамп фармонига аниқлик киритди ва тақиқ Green Card эгаларига тегишли эмас, деб эълон қилинди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Президентга берилган савол

Нарзулло Охунжонов

МАМЛАКАТНИ КИМ БОШҚАРАЯПТИ?

(иккинчи мақола)

ПРЕЗИДЕНТГА БЕРИЛГАН САВОЛ

Худди кечагидек эсимда. 1998 йил 26 декабрь куни соат 10.00 да бошланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида одатдагидек Президент маъруза қилиб бўлгач журналистлар билан учрашди. Ўша журналистлар орасида мен ҳам бор эдим. Касбий фаолиятим ва ҳаётим кузатувларимга кўра анчадан буён кўнглимга тугиб юрган бир қаламқаш сифатида шахсан мени ва менга ўхшаган юрагида қоим бўлиб турган, ич-ичимизни кемираётган ҳақли бир саволнинг жавобини шахсан юртбошининг ўзидан эшитиш иштиёқи менга тинчлик бермасди. Очиги, қачонлардир учрашиб қолсам албатта, президентга шу саволни бераман, деб айтганимда аксарият устозларимиз бу фикримдан қайтаришга уринишган, бу ҳаётим учун хавфли эканлигини бот-бот уқтиришганди. Шунга карамай, менинг қайсар кўнглим бу насихатларга қулоқ солмади. Гўё Танграм ичимга ўзининг ҳақиқат деб аталмиш нуридан бир парча ташлаб қўйгану, мен шу ўтнинг алангасида лов-лов ёнардим. Ҳақиқат, адолат мен учун ҳамма нарсадан дўстларимнинг ўтинчи-ю устозларимнинг насихатларидан ҳам, ҳатто ҳаётимдан ҳам азизроқ ва улуғроқ бир тушунча эди. Менинг ҳақиқат ҳақидаги бу тушунчамни йиллар давомида ҳеч

ким ва ҳеч нарса ўзгартиролмади, илло ўзгартиролмади ҳам. Ана шундай қатъият ва шижоат билан президентга юзландим ва юрагимни ёққан ўша саволни бердим:

-Мухтарам Ислом Абдуғаниевич сиз халқ депутатлари Навоий ва айникса, Самарканд вилояти сессиясида “Эй, журналистлар сизлар нима учун ҳақиқатни ёзмайсизлар? Ҳақиқатни ёзишларинг учун сизларга ким халақит берапти, ким тазйик кўрсатапти, айтинглар менга” дегандингиз. Телевизорда буни кузата туриб, тўлқинланиб кетдим ва “Эҳ, қанийди, ҳозир ўша ерда мен бўлсайдим, мана шу саволни берардим” деган фикр хаёлимдан ўтганди. Ниятим холис эканки, бугун шунга имкон туғилди. Ислом Абдуғаниевич, мана радионинг Самарканд вилояти бўйича мухбири Шоди Мардиев, “Халқ сўзи” газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Пўлат Гадоевлар айнан сиз айтгандек ҳақиқатни ёзгани учун, ҳуқуқ-тартибот органларидаги камчилик, кирдикорларни фош қилгани учун ҳам айнаи дамда бу икки кекса журналист қамоқхонада ётибди. Шундай экан, биз ёшлар қандай қилиб ҳақиқатни, ёзишимиз мумкин?”

Саволимга Президент шундай жавоб берганди:

-Авалло савол учун раҳмат! Энди кечаётган жараёнларни кузатадиган бўлсак, ҳозир турли тизимлар ўртасида ўзаро кураш кетаяпти. Бунга табиий жараён деб қараш керак. Сиз журналистик суриштирув ишларини олиб боринг, батафсил, яхшилаб ўрганинг ва уни менга юборинг.

Албатта, мен ушбу хатни оламан. Шунини алоҳида айтишим керакки, журналистларни химоя қилиш билан бевосита боғлиқ қонун шахсан менинг ташаббусим билан қабул қилинган. Бу сизларнинг ортларингизда мен турибман, сизларнинг химоячиларингиз мана мен, яъни президент деганидир. Шунинг учун кўркмаслик керак.

Мен Президентнинг ана шу гапларига қаттиқ ишондим. Ўз касбий фаолиятим давомида жамиятимиздаги мавжуд катта-ю кичик муаммоларни бартараф этиш йўлида қўлимдан келганча курашдим. Бу йўлда бир журналистнинг кучи, билими, имконияти, ваколати ҳамда сабр-бардоши нимагаки етарли бўлса, бари-барини ишга солдим. Албатта, бу курашлар осон кечганича йўқ. Бунга жавобан менга ва оиламга нисбатан қилинган таъқибу тазйиқлар кун, ҳафта, ою йиллар сайин кучайса кучайиб бордики, бир дам тўхтагани йўқ. Алалоқибат менга нисбатан ҳеч қандай асосга эга бўлмаган тухматлар уюштирилиб жиноий иш очилишигача бориб етди. Албатта, бундан кўзда тутилган мақсад мени узоқ муддатга панжара ортига ташлаб, ўша ернинг ўзида “тинчителиш”, шу йўл билан яна бир мустақил фикрли, танқидий кўз-қарашга эга бўлган журналистдан қутулиш бўлганлиги ўз-ўзидан ойдинлашиб қолди. “Ойдинлашиб қолди” деган иборани ишлатишимда ҳам етарлича асос бор. Каминага нисбатан қўлланилган қатор-қатор фитна санъати, тухмат, иғво-бўхтон “сценарий”ларини кейинги мақолаларимда ёритмоқчиман.

Ҳозир эса мавзудан чалғимайлик-да, яна президентга берилган ўша саволга қайтайлик. Одатда журналистлар томонидан президентга бериладиган саволлар раҳбарият, махсус идоралар томонидан тайёрланиб, келишилиб қўйиларкан. Менинг бу анъанадан беҳабар ҳолда ташлаган саволим кўпчилик учун (эхтимолки президентнинг ўзи учун ҳам) қутилмаган ҳол бўлди. Кимларнидир шошириб, кимларнидир эсанкиратиб, кимларнидир ҳовликтириб, хаттоки, баъзи бир раҳбарларимизнинг лабларига учуқ ҳам тошириб қўйди. Ўша дақиқадан бошлаб ҳурматли ҳамкасбларимизнинг аксарияти ўзини мендан олиб қоча бошлашди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Тамом энди бу йигитни қамашади, йўқ қилишади. У эртасини ўйламай қалтис савол бериб қўйди, ўзига-ўзи жабр қилди, ҳей аттанг !...” деган шов-шувлару миш-мишлар анча пайтгача босилмади.

Хуллас, тасмага туширилган овозли ёзувни эфирга бериш мақсадида бош муҳарриримиз Мухтор Муродов билан маслаҳатлашиб турган вақтимизда телерадиокомпаниянинг ходимларидан бири - “чопар” Гофур Жамолов ҳовлиқиб хонага кириб келди ва президентга берилган савол эфирга кетмаслиги хусусида “тепа”дан топшириқ олганлигини хабар қилди. Шундай қилиб ўша “тасодифий” савол “тасодифан” эфирдан олиб ташланди. Бирок, эфир юзини кўрмай қолган ўша савол-жавоб магнит тасмасига туширилган ҳолида ханузгача менинг шахсий архивимда сақланмоқда.

Савол берган менману таҳликага тушиб қолган бошқалар. Ҳар куни эрталаб ишга келсам, мен билан ўзларидан-ўзлари салом-алиқ қилишга ҳам ҳайиқиб қолишган аксарият ҳамкасбларим менинг “йўқолиб қолмаётганимга” хайрон бўлиб қарашади, гўё. Ҳаттоки, баъзи бирлари “сиз тоштурмада эмасмисиз ёки ишингиз ҳали терговдами, ёхуд ишдан бўшашга ариза ёзиб, “Обходной” тўлдириб

юрибсизми?” - деб сўраб қолишади. Ўзимни ноқулай, ҳис қилдим, ёлғизланиб қолгандай бўлдим. Аммо ич-ичимни ҳақиқат нури ёритиб турарди. Руҳан тетик эдим.

Орадан маълум вақт ўтиб мен тилга олган икки журналист камокдан озод этилганлиги ҳақидаги хабар ёйилди. Бунга менинг саволим сабаб бўлдим ёки бошқа нарсами аниқ билмайман. Билганим шуки, иккала журналист камокдан чиққанидан кейингина мендан ўзини олиб қочиб юрганлар қайтадан салом-алиқни йўлга қўйишди, ҳатто баъзилари табриклашди ҳам. Нима бўлганда ҳам мен икки забардаст журналистнинг озодликка чиққанидан жуда қувондим. Ваҳоланки, камина на Пўлат Гадов билан ва на Шоди Мардиев билан шахсан таниш эмасдим. Улар билан ҳеч қачон юзма-юз учрашмаганман. Ҳар иккисини ҳам танқидий мақолалари, матбуотдаги ўткир фельетонлари орқали ғойибона танирдим, холос. Бирок, бу ҳақиқатга то ханузгача кимдир ишониб кимдир ишонмай юради. Эҳ-ҳе, бу савол-жавобнинг гирдида қанча сирлару қанча ошкорликлар, қанча ёлгонлару қанча ҳақиқатлар, қанча тафтишлару қанча тазйиқлар айланмади, дейсиз. Қизиғи, бир йилдан сўнг матбуотда “Пўлат Гадов нега қамалди?” деган сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, журналистлар

ўз ҳамкасбининг тақдирига бефарқликда, лоқайдликда, журъатсизликда айбланди.

Лекин бирон-бир мард чиқиб менинг худди шу мазмунда президентга савол берганимни айта олган эмас. Бу мақолани бировлар “Чиндан ҳам президентга берилган саволдан беҳабарлик оқибатида ёзилган”, деса, бошқа бировлар “Савол муаллифининг журъатини йўққа чиқариш учун атайин қилинган бир уриниш” дея баҳоладилар. У ёғи энди Оллохга аён.

Нима бўлганда ҳам мен ўша саволни ўзимни кўз-кўз қилиш учун ёки қаҳрамонлик давоси билан ёхуд баъзи бировларнинг махсус кабинетда сиқувга олиб, таъна-ю пўписа қилганидек, “ўз амбициямни илгани суриш учун” ёки айримлар гумонсираб тахмин қилганидек “алоҳида буюртма асосида” ҳам берганим йўқ. Холис ниятда, қалб амри ила, эзгу мақсад билан азбаройи адолатсизлик қурбони бўлган икки ҳамкасбимнинг тақдирига ачинганим ва ҳақиқатнинг қарор топишини чин юракдан истаганим учун бергандим. Қолаверса, бу ҳатти-ҳаракатим ўсиб келаётган ёш авлоднинг, хусусан, ёш журналистларнинг журъатига журъат қўшишига катта умид билан қарагандим. Лекин, афсус...

(давоми бор)

Ёлгонга муносабатда кишилар асосан уч катта тоифага бўлинади:

1. Ёлгондан ҳазар қилмайдиган, манфаати учун ҳар қандай ёлгондан фойдаланадиган ва бу ишдан заррача уялмайдиган виждонсиз, пасткаш кимсалар.

2. Ёлгон билан тўғрилиқ орасида сарсон кезадиганлар. Булар тўғрилиқнинг афзаллигини билади, айна чоқда, ёлгонга ҳам парво қилмайди. Керак бўлиб қолганида ўзи ҳам ёлгон ишлатаверади; виждони кўзғалса, турли баҳоналар билан аллалаб туради.

3. Ёлгоннинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган, тўғрисўз, мард кишилар. Буларга яшаш оғир, аммо яхшилик доим шулар устида туради.

Оллохга шукр, бугун тўғри билан ёлгонни ажратадиган ёшлар орамизда кўпайиб қолди.

Қулоқлар, онглари, шуурлар, юраклар Тўғри Сўзнинг мазасига бир тўйиниб олса, сўнгра ёлгон у



Умид

ёқдан-бу ёқдан айланиб-ўгирилиб келса ҳам чалғитолмайди - кип-қизил ёлгонлиги барқ этиб билиниб тураверади.

Худди 1985-1991 йиллар тўғрилигидан маза олиб қолганлар

каби бугун ҳам тўғрисўз янги бир авлод етишяпти, алҳамдулиллоҳ.

*(“Нафсимга ўғитлар”
туркумидан.)*

Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон

Бахтиёр шу кунларда Жанубий Кореяда тил курсларига бориб, айна вақтда кун кечириниш учун турли қора ишлар билан шуғулланишга ҳам тайёр ўзбекистонлик ёш, олий маълумотли мутахассис.

4 йил мобайнида Жаҳон тиллари Университетида ўқиб, бир неча тилда сўзлаша олишига қарамай қўлида дипломи бўлмагани учун ҳозирда шу аҳволда.

Нима учун олийгоҳни битирганига қарамай диплом ололмаган? Ҳамма гап унинг давлат томонидан берилган грантга ўқиганида.

Бир неча йил аввал Ўзбекистон олийгоҳларида ўқиш учун контракт асосида пул тўлаш тизими киритилганидан бери давлат грантига ўқиш кўплаб талабаларнинг энг олий орзуси...

Чунки кўп минг сўмлик контракт пуллари тўлашга ҳаммининг ҳам қурби етмайди ва грантлар фақатгина иқтидорли талабаларгагина берилади.

Бахтиёр ана шу бахтга муяссар бўлганлардан бири эди. Фарғона вилоятининг Бағдод туманидан бўлган Бахтиёр грантга эришгани кейинчалик унинг касбий фаолиятида жиддий муаммога айланишини тасаввур ҳам қилмаганди.

Интилиш ва ташаббус имконсиз...

Ҳамма гап 2016 йили ўқишни битирганидан сўнг, эришилган маррада тўхташни истамай чет элда магистратурада ўқиш йўларини қидира бошлаган вақти бошланди.

Жаҳон тиллари ректоратидан айтишларича, Бахтиёр давлат томонидан берилган грантда ўқигани учун ўзининг асосий пропискида турган ерига қайтиб, давлат ташкилотидан, жумладан ўқув муассаси, яъни мактаб, коллеж ёки лицейда 3 йил мобайнида ишлаб бериши шарт. Ана шундан кейингина унинг қўлига олий таълимни битиргани ҳақидаги дипломни беришлари мумкин.

Бу орада Бахтиёрнинг қўлига хориждаги икки олийгоҳдан грант асосида магистратурада ўқиш учун таклиф келиб тушган эди.

На илож, бир тарафдан хориждаги олийгоҳга олий маълумотга эга эканлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсата олмагани, бошқа томондан давлат грантига ўқигани



Олий маълумотли, лекин дипломсиз...

учун давлат муассасига ишлаб бериш шартини қабул қилишга мажбур бўлгани учун у иш қидира бошлади.

Прописка йўқ - иш йўқ. Иш йўқ - прописка йўқ

Тошкентда телевидение таҳририятларидан бирига уни гўё ишга олишга рози эдилар. Ана шу ерда Бахтиёрнинг муаммоларига яна бир бюрократик муаммо келиб қўшилди. У ҳам бўлса прописка масаласи.

Бағдодлик Бахтиёрнинг Тошкентдаги прописки фақатгина олийгоҳда ўқиган вақти муқаддасига, вақтинча берилганди. Телевидениедагиларнинг шarti "аввал пропискидан ўтинг" қабилда бўлди. Ўзбекистон Олимпия Қўмитасида ҳам уни ишга олишга рози эдилар. Аммо уларнинг ҳам шarti прописка эди.

Тошкент шаҳри турар-жой қайдидан ўтказиш бошқармасида эса шарт - ишлаб турган еридан тасдиқловчи ҳужжатларни олиб келиш эди.

Шундай қилиб, улкан умидлар билан олийгоҳни битирган Бахтиёр боши берк берк кўчага "кириб қолди".

Унинг Олий таълим вазирлиги қабулхонаси ва вазирликнинг ишонч телефонларига қилган қайта-қайта мурожаатлари самарасиз бўлди. У билан телефонда гаплашган вазирлик ходимларидан бири гапни чўрт кесиб, "Давлат гранти асосида таҳсил олган бакалавриатура ва магистратура талабаларининг 3 йил давомида ишлаб бериш мажбурияти" ҳақида 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб амалиётга тадбиқ этилган қарорни келтирди.

"Давлат муассасида ишлаш шарт эмас"

Бахтиёр грант асосида ўқишга рози бўлган вақти бу қарор ва

унинг шартларидан беҳабар эдими? Унинг айтишича, бундан албатта хабардор эди.

Лекин у ишга кирмоқчи бўлган Ўзбекистон телевидениеси каналларидан бири ёки Олимпия қўмитаси давлат муассаси эмасми?

Бунга илова ҳуқушунос Хушнудбек Худойбердиев томонидан асос солинган ва юридик масалалар бўйича маслаҳат берувчи xushnudbek.uz блог саҳифасида шу мавзуда нашр этилган мақоладан иқтибос келтирадиган бўлсак, юқорида тилга олинган қарор бандларида "таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш" жумласи ишлатилган. "Давлат" сўзи мавжуд эмас. Корхоналар хусусий ҳам бўлиши мумкин. Ташкилотлар нодавлат ва нотижорат ҳам бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, 3 йил мажбурий ишлаб бериш давлат ташкилотларида бўлиши шарт эмас". (иқтибос тугади)

Бундан ташқари бу "муассаса" айнан битирувчининг асосий пропискидан ўтган ерида бўлиши кераклиги ҳам қайд қилинмаган.

Давлат гранти, прописка каби Ўзбекистондаги кундалик воқеликнинг таркибий қисми бўлган "ёзилгану ёзилмаган шартлар" гирдобидан қолган Бахтиёр охир-оқибат Фарғонага қайтиб, маҳаллий коллежлардан бири ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади.

"700 минг сўм ойлик, ўқитувчиларга ставкаларни тақсимлаш, қоғозбозлик, кенг қулоч ёйган порахўрлик муаммолари туфайли у ерда фақатгина 3 ой ишлай олдим, холос. Қолганига чидай олмадим", деди Би-би-си билан суҳбатда у.

Унинг айтишича, у билан бирга олийгоҳни ўша йили битирган ва ундан аввал грант асосида ўқиб битирганларнинг аксариятининг аҳволи ҳозирда айнан шундай. Ўқишни битиришган, лекин қўлларида диплом йўқ. Олий маълумотга эга эканликларини тасдиқловчи бир парча қоғоз бор, холос.

Шундай қилиб, олий маълумотли, лекин қўлида ҳужжати йўқ, иқтидорли ўзбекистонлик мутахассис ҳозирда Жанубий Кореяда. Ҳар қандай қора ишни қилишга тайёр ва яна аввал бошдан тил ўрганмоқда.

Манба: bbc.com/uzbek

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?**

(учинчи мақола)

**"ХОРИЖ РАДИОСИГА
ИНТЕРВЬЮ БЕРМАНГ!..."**

Бугун дунё мамлакатлари, миллатлар, халқларини бири-бирига янада яқинлаштирадиган, турли жабҳалардаги интеграцион жараёнларини янада тезлаштирадиган ва бу борадаги алоқаларни ҳар жиҳатдан кенгайтиришга хизмат қиладиган ягона ахборот маконининг мавжудлиги бир томондан ижобий ва иккинчи томондан эса салбийлик қасб этаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода айтиш мумкинки, ана шундай майдон бор экан, биз ундан ўзимизни айро тутишимиз мумкин эмас ёки ундан ўзимизни ҳеч вақт ихоталай олмаймиз. Худди шунинг учун ҳам бу каби глобал ва мураккаб жараёнда аниқ мақсад сари интилиш ва дадил илдамлаш шунчаки бир жўн, осон иш эмас. Бу борадаги саъй-ҳаракатларда доимо фаол бўлиш билан бирга олдинда юрмоқ лозим. Бир қадам ортда қолдингми, бир муддат кечикиб вақтни бой бердингми, тамом, тараққиётга хизмат қиладиган муҳим жиҳатлардан узилиб, кўп нарсани бой бериб қўйишинг мумкин. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, қозонда нима қайнаётганлигини билиш шарт. Акс ҳолда жамият кўп нарсалардан мосуво бўлиб қолиши ва кейинроқ унинг ўрнини тўлдиришга бўлган ҳамма уриниш бесамар кетиши, эртага кеч қолган бўлиши ҳамда сўнгги пушаймон - ўзига душман бўлиб қолиши мумкин.

Бугун Ўзбекистонда худди шундай мураккаб ҳолатнинг юзга қалқиб чиқаётганлигини ва борган сари бу борадаги умумвазиятнинг янада таранглашиб-танглашиб бораётганлигини кузатиш қийин эмас. Вужудга келган бундай қалтисликни давлат раҳбарининг ўзи ҳам бир қатор чиқишларида "Биз ҳар қандай туб бурилиш-ўзгаришларга тайёр туришимиз керак", "Бизни жиддий синовлар кутмоқда", "Эски қолиддаги раҳбарлардан воз кечиш вақти келди" деб айтган гап-сўзларидан очиқ-ойдин тан олиб турганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаганидек, аслида бутун бир бошли

**"Хориж радиосига интервью берманг!..."**

республикани информацион макондан узиб қўйишга уринишлик, ОАВнинг эркинлиги фақат қоғоздаги қонундагина мавжудлиги, ҳур ва мустақил фикрнинг бўғилиши ва умуман, жамиятнинг мутлақ ёпиклиги шу каби таҳликаларга сабаб бўлмоқда. Ҳаттоки, юрт ичкараси ва ташқи дунё сахнида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан оддийгина муносабат билдирилишнинг ўзига ҳам жиддий монелик кўрсатилиши ва қаттиқ таъкиб-таъйиқлар исканжасига олиниб, огоҳлантиришлар берилиши алаҳқиқат қандайин хавотирларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи рўй-рост намоён қилиб турибди.

Каминанинг "Озодлик", "Би-Би-Си", "Америка овози" радиоларининг мухбирлари билан қилган мулоқотларим баъзи бировларга ёқмаётганлигини билиб ва буни ич-ичимдан ҳис қилиб юрган қунларимнинг бирида "Ўзбекистон" телерадиоканали директори ўринбосари Ёқубова Султонпошша мени хонасига чақириб: "Нарзулла сиздан илтимос, шу хориж радиоларига берадиган интервьюларингизга бундан кейин нукта қўйсангиз, бу жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлаяпти. Ўзингиз тўғри тушунасиз, қолаверса, бу давлат телерадиоси. Агар хориж радиоларига интервью беришни тўхтатсангиз, ҳаммаси яхши бўлади. Мана бу дискни олинг-да, бунга сара эшиттиришларингиздан бир нечасини кўчириб, "Олтин қалам" кўрик танловига топширинг" деб қолди. Мен директор ўринбосарига шу онда жавоб қилиб, бунақанги шарт билан

келишга олмаслигимни, қандайдир қанчадир пул эвазига бериладиган "Олтин қалам" учун ўз виждонимни сотмаслигимни ва ОАВда, хусусан, телерадиокомпания тизимида қандай қамчиликлар бўладиган бўлса, бу ҳақда очиқ-ойдин гапиришда давом этишимни айтгандим.

Раҳбарнинг қабулида қачонки бўлмайин, у ҳар гал эшиттиришларимни шу танловга топширишимни, қолган ҳужжатларни эса ўзи тахлаб беришини ва бунинг учун чет эл радиолари билан бўлаётган мулоқотларимни бас қилишим кераклигини қайта-қайта такрорларди. Лекин барибир мен ўша илк бор айтган қароримда қатъий туриб олдим. Ҳаттоки, директор муовини ўзига яқин ходимлардан бири орқали рафикамдан мени суриштирган. Яъни "бу одам кимнинг гапига кириши-кўниши мумкин", деган суриштирув ишлари ҳам олиб борилган. Хуллас, у харчанд уринмасин ўз мақсадига эриша олмади. Бу орада мен яна бир маротаба хориж радиосига интервью беришга улгурдим. Шундан сўнг менга нисбатан бўлган муносабат бутунлай тескари тус ола бошлади. Яъни менинг ҳар бир қадамим ўлчанадиган, ким билан учрашишим, қаёққа боришим зимдан кузатиладиган бўлиб қолди. Бундан ташқари, телерадиокомпания режим ва хавфсизлик хизмати ходимлари, хусусан, радио бўйича масъул бўлган шахс Расулов Хуршид ҳаттоки мен хонамда телефон орқали

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кимлар билан гаплашаётганлигим билан ҳам қизикадиган, кўпинча коридорда юриб у ёқдан бу ёққа ўтиш баҳонасида хонамга бот-бот назар ташлайдиган бўлиб қолди.

Бу ҳам етмаганидек, “Ўзбекистон” телерадиоканали ходимларининг ҳар бири ўз ҳисобидан хизмат хоналарининг қулфи учун дубликат - калит ясашиб, режим хизмати ходимига топшириш лозимлиги хусусида директор ўринбосарига топшириқ берилган. Шундоқ ҳам ўзининг ойлик маошини вақтида ололмаётган, яъники пластик карточкасига туширолмаётган, карточкадаги пулини нақдлаштираолмаётган бир пайтда журналистлардан кўшимча калит ясашиш учун бир ярим минг сум, яна алламбало майда-чуйдалар учун “арзимаган фалон сўм” талаб қилинишига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бола-чақанинг ризқини қийишга мажбур қилинган телерадиоканал ходимлари ишдан уйларига қайтганларидан сўнг режим масъули ишхонада қолиб, туни билан бўш қолган кабинетларда тафтиш ишлари олиб бориши ва бу билан “гапга кирмайдиган” журналистларни тақим остига бостиришга уринишлари авжлангандан авжланиб бораверди. Эрталаб ишга келган ходимлар иш кабинетларига

тунда кимлар кирган ва қандай фитналарни, “тузоқ”ларни тайёрлаб кўйган бўлиши мумкинлигидан ҳадиксирай бошладилар. Ҳақиқатдан ҳам баъзи ҳолатларда хоналарнинг эшиги очилмай қолиши, калитнинг қулфга тушмаслиги, айрим вақтда эса эшиклар бутунлай очиқ қолганлигидан ҳайратланардик. Бир гал бош муҳаррирлардан бирининг хонасида шундоққина столнинг устида заҳира ўқ-дорилари билан пистолет-тўппончанинг қолиб кетганлиги жуда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Демак, бунданкўринадики, режим хизмати ходими “тунги рейд”ларини бир ўзи эмас, балки бинони кўриқлайдиган милиция ходимлари билан биргаликда ўтказган.

Чунки, ўша стол устида қолиб кетган тўппонча ишхона кўриқчилари бўлган ички ишлар ходимлариники эканлиги фош бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳар бир хона бўйлаб ярим кечалари олиб бориладиган тинтув-текширув амалиёти ошқор бўлди-қолди. Бундай фаолиятга қўл урганлар бошда бир талвасага тушиб қолгандай бўлди-ю, аммо бора-бора ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолишига кўзлари етгач, хотиржам тортишди. Ундан кейин нима бўлди дейсизми? Нима бўларди, журналистлар журъатидан айрилган, қанотлари

қайрилганлигига тўла ишонч ҳосил қилинганча, бирин-кетин эшикларнинг қулфи тез-тез ишдан чиқадиган, эшиклар кўпроқ бузиладиган ва уларнинг ўрнига режим хизматининг “махсус” топшириғига кўра эски, шалоғи чиққан қулфлар ўрнатиладиган бўлди. Ишга келиш-кегиш жараёнини назоратга олиш иши фақатгина алоҳида сараланган ходимларга нисбатан олиб борилиши йўлга қўйилди. Шу тахлитдаги кузатувдан безган ходимлар нима ҳам қилиши мумкин. Сабр, тоқат қилишдан ўзга чоралари ҳам йўқ. Шу ерда бир умр меҳнат қилиб ўз оиласи, бола-чақасини бир амаллаб боқиб юрган ишдан айрилиб қолиши мумкинлигидан чўчишади, улар.

Шу тарика сиқувга олинб, кучли босим остида фаолият кўрсатаётган журналистлар қандай қилиб ўзининг мустақил фикрларини эркин ифода эта олсинлар ва қандай қилиб жаҳон оммавий ахборот воситалари билан мулоқотга кириша олсинлар? Чет эл матбуоти билан алоқа ва ҳамкорлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилаётган ижодкорлар қандай қилиб дунё ахборот майдонидан ўз ўринларини топа олиши мумкин? Бу улкан сўроққа ким жавоб бераркин, ким?..

23.01.2014 йил.
(давоми бор)

Ўзбекистонда болалар мажбурий меҳнати тугатилдими?

Икки нуфузли халқаро ташкилот Ўзбекистонда болалар мажбурий меҳнати аста-секин тугатилгани ва бу амал эндиликда жамият томонидан қабул қилинмас ҳолатга айланган ҳақида баёнот чиқаришган.

Жаҳон Банки ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг деярли бир маънодаги баёнотларида айтилишича, Ўзбекистон ҳукумати пахта йиғим-терими соҳасини ислохатлаштириш йўлида илгари силжашларга эришган.

Айтилишича, бу каби хулосага Халқаро Меҳнат Ташкилоти 2016 йилги пахта мавсумини кузатиш натижалари асосида келган.

"Болалар меҳнатининг қабул қилинмас ҳолат эканлиги ҳозирда расмийлар, ўқитувчилар, мутахассилар, фермерлар, ота-оналар ва болаларнинг ўзлари томонидан тан олинган. Ўзбекистонда ташкиллаштирилган

болалар меҳнатини тугатилган", дейилади ХМТ баёнотида.

2016 йили пахта йиғим-терим мавсумида Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакиллари вазиятни назорат қилиб, айниқса Жаҳон Банки томонидан қўлланган агросаноат, сув ва таълим лойиҳаларида болалар меҳнатидан фойдаланишнинг "биронта ҳолати юз бермаган"лигини ҳисобот беришган.

Би-би-си билан суҳбатда мамлакатдаги болалар мажбурий меҳнати вазиятини бир неча йилдан бери муфассал ўрганиб келаётган ҳуқуқ фаоли Елена Урлаеванинг айтишича ҳам мамлакатда аввал бўлганидек ёш болалар ва мактаб ўқувчиларини ёппасига пахта далаларига сафарбар этилиши ниҳоя топган.

Лекин ўтган йили кузида Бухоро вилоятига қилган мониторинг

сафарларидан бирида маҳаллий ҳоким ташаббуси билан бир ерда болалар далага чиқарилгани ҳолатини кузатган.

"Лекин бу маҳаллий ҳокимнинг қарори бўлиб, илгари бўлганидек марказдан туширилган буйруқ асосида рўй бермаганди", дея изоҳ берди Елена Урлаева.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг билдиришича, болалар меҳнатига чек қўйилган бўлса ҳам олийгоҳлар талбалари ва давлат хизматчиларининг мажбурий равишда пахта теримига жалб этилиши ҳолатлари ҳануз сақланиб қолган ва мажбурий меҳнатнинг бу турини ҳам барараф этиш учун яна кўшимча ҳаракатлар талаб қилинади.

Ташкилот айниқса, 16-17 ёшлиларни мажбурий меҳнатга жалб этиш хавфидан огоҳлантирган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Хуқуқ фаоли Елена Урлаеванинг айтишича, Ўзбекистонда пахта далаларини турли маҳаллий расмийлар "қарамоғига" тақсимлаш бериш практикаси мавжуд.

"Масалан бир далани маҳаллий прокурор "зиммасига юклайдилар". У бу далага теримчиларни ташкиллаштириш ва кўзда тутилган режага мувофиқ миқдорда пахта топширилиши учун масъул бўлади. Бу каби маҳаллий расмийлар эса

мактаб ўқитувчисини пахтага жалб этаётгандек бўлиб кўринмаслик учун ўқитувчиларни фаррош ёки шунга ўхшаш касбдаги инсон сифатида қайд қилиб, далага олиб чиқмоқдалар", дейди Елена Урлаева.

Унга кўра, охириги йилларда болалар меҳнатида фойдаланишга чек қўйила бошлаганидан бери давлат хизматчилари, ўқитувчи ва шифокорларнинг теримга олиб чиқилиши миқёслари кенгайган.

Фаол шунингдек, пахта териш

асосий касби бўлмаганлар учун бу каби меҳнат анчайин оғир эканлиги, айниқса уларга қўйилган қундалки нормани бажариш мушкул вазифа эканлигини билдирди.

"Нормани бажариш учун ўз соғлиқларини йўқотаётганлар, ҳатто нохуш ҳодисалар рўй бериб, оламдан кўз юмиш ҳолатлари ҳақидаги хабарларни биз ўрганиб, текширишга ҳаракат қилмоқдамиз", деди у.

Манба: bbc.com/uzbek



унда бу бойлик ҳалол меҳнат билан топилганига ишонса бўлар эди. Текебаевнинг сўровига кўра, олти йилдан бери давлатни бошқариб келаётган президент мана шу олти йил ичида топаган барча бойлигининг манбаларини исботлаб бериши керак. Бироқ президент Текебаевга жавоб беришни хоҳламайди, деб ўйлайман. Мен президент бойликларини ҳалол йўл билан топганини эҳтимолдан соқит қилмаган ҳолда айтаманки, 90-йилларда легал тарзда бойлик тўплаш иконияти йўқ эди, - деди сиёсатшунос.

Айни пайтда Алмазбек Атамбаев жамоатчиликка бир неча мартаба тадбиркорлик фаолиятини 1989 йилда бошлаганини, Қирғизистондаги энг биринчи хусусий ширкатни ташкил этганини ва президент Ақаев "Вольво" миниб юрган пайтда у "Мерседес" машинасига эга бўлганини айтган эди.

Қирғизистонда шаклланган анъанага кўра, президентнинг ўтган йилги солиқ декларацияси жорий йилнинг апрель ойида жамоатчиликка эълон қилинади. Шунинг учун ҳозирча Атамбаев 2016 йилда қанча даромад топгани тўғрисида маълумот йўқ.

Атамбаевнинг 2015 йилдаги солиқ декларациясида эса бир йилда президент 1 миллион 300 минг сўм ойлик олгани, бироқ унинг чиқимлари 34 миллион сўмни ташкил этгани қайд этилган.

Атамбаев ўз солиқ декларациясида 116 квадрат метрли уйи жойлашган деярли 3 гектарли ҳовлиси ва қарийиб 7 гектарли боғи борлигини ҳам таъкидлаган.

Атамбаевга савол: "Қандай бойдинг?"

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Қирғизистон парламенти депутати, муҳолифатдаги "Ата Мекен" партияси раиси Ўмурбек Текебаев 31 январь куни ўтказилган матбуот анжуманида президент Атамбаевдан ўз бойлигини қандай йўллар билан топганини исботлаб беришни талаб қилган.

- Масалан, Бабанов бензин, Турсунбеков ун, Артикбаев дори сотиб бойиган. Атамбаев нима ишлаб чиқарганини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун мен унга депутат сифатида расмий сўров жўнатамоқчиман. "2017 йилни "Иймон йили", деб эълон қилдингиз, "Иймон йилида" иймон сирларини очинг, бойликларингизни қандай йўллар билан топгансиз, қанча солиқ тўлайсиз, бойликингиз манбалари нималар?" деб савол бермоқчиман, - деди депутат.

Текебаев президент Атамбаевга таалуқли бўлган фирмалар ва Атамбаевнинг даромадлари 2010 йил 7 апрель инқилобидан сўнг нега кескин ўсиб кетгани тўғрисида

маълумот йиғашганини билдирди.

Текебаевнинг бу баёнотида президент маъмурияти зудликда жавоб қайтарди:

- Алмазбек Атамбаев Совет давридаёқ бойиб кетганини ҳеч кимдан яширган эмас. Дастлабки миллионларини у китоб нашр этиш орқали тўплаган. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида бу жуда даромадли бизнес бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Китоб сотиб тўплаган пулларига Атамбаев корхоналарнинг акцияларини сотиб олган. Бу нарсаларнинг барчаси президентнинг солиқ декларациясида кўрсатилган, - деди президент маъмурияти ахборот сиёсати бўлими раҳбари Алмаз Уенов.

Бироқ сиёсатшунос Даниел Қадирбеков муҳолифатчи Ўмурбек Текебаевнинг иттифоқларини асосли, деб ҳисоблайди. У президент Текебаевнинг расмий сўровига жавоб беришига шубҳа билдиради.

- Агар президент ўз бойлиги тўғрисида очик маълумот берса,

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ
КИМ
БОШҚАРАЯПТИ?
(тўртинчи мақола)****ШИКОЯТДАН
ҚЎРҚАЁТГАНЛАР**

Чамаси 2005 йилнинг ёз ойлари эди. Ўзини Зулайхо деб таништирган бир аёл арз-дод билан

**ШИКОЯТДАН ҚЎРҚАЁТГАНЛАР**

“Ўзбекистон” телерадиоканали радиосининг сиёсий ва ҳуқуқий-маърифий эшиттиришлар студиясига мурожаат қилди. Унинг айтишича, Андижондаги “Жаҳон” бозоридан 27 миллион сўмлик товари Тошкентга олиб келаётганида пойтахтга кираверишдаги Бектемир туман постида ЙХХПХ ходимлари томонидан юк ортилган автомашина тўхтатилган ва бу Вазирлар Маҳкамасининг 154 сонли қарорига кўра, ноқонуний ҳатти-ҳаракат эканлигини уқтиришиб, барча буюмларни олиб қўйишган. Шу куни бу постада Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари шу қарор ижроси бўйича навбатчи-масъул бўлишган. Масъуллар ушбу товарларни расмийлаштириш учун Бектемир туман давлат солиқ инспекциясига олиб боришган. Гўёки, у ерда аёлдан тушунтириш хати олишган ва товарларнинг расми й л а ш т и р и л г а н л и г и а й т и л и б, далолатномага имзо қўйдиришган. Аёл ҳақиқатдан ҳам олиб келинаётган буюмларнинг ноқонуний эканлигини тўлалилича тан олган ва бунга иқдор бўлган. Шу ўртада бошқа бир аёл пайдо бўлиб Зулайхога беш юз АҚШ долларига товарингни олиб бераман деб унинг ишончига кирган. Уша кечанинг ўзида аёл уйига бориб, қўшниларидан ялиниб-ёлвориб шунча микдордаги маблағни олиб, “ўртакаш” аёлга берган. Бир оз вақт ўтиб қарасаки, ҳеч бир натижа бўлмаган. Жуда кўп идораларнинг эшигини қоқишга тўғри келган. Миллий хавфсизлик хизматига ҳам борган. Бунинг ҳам фойдаси бўлавермагач, кимнингдир маслаҳати билан радиога келган. Бу ҳақдаги маълумотларнинг

барчасини шикоятчи ўз аризасида янада батафсилроқ баён этган.

Аёл бор товарларидан маҳрум бўлганлигининг асл сабабини тушуниб, бу ноқонуний ҳаракатининг оқибати эканлигини тўла англаб етган ва бундан пушаймон бўлган ҳамда ушбу юкларнинг солиқ инспекциясида қонун доирасида расмийлаштирилганлигига ҳам ишонч ҳосил қилган. Энди буёғи нима бўлса бўлди. Буюмларнинг ҳаммаси давлатнинг ҳисобига мусодара қилингандан кейин болалар уйига, интернатларга, етим-есирларга тарқатиб берилган бўлиши керак, шу томони менга бироз бўлса-да таскин беради, деган хаёл билан юради. Шундай ўй билан гарангсираб юрган кунларнинг бирида не кўз билан кўрсинки, бировлардан олинган қарз ҳисобига олиб келинган товарлари ўзгалар томонидан “ипподром” буюм бозорининг расталарида сотилаяпти!? Аввалига ишонқирамагандай бўлди-ю, лекин ушбу товарларнинг хар бирига шахсан ўзи қўйган белгиларнинг мавжудлигини кўриб, сотувга чиқарилган бу буюмларнинг бари ўзиники эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилди. Ана шуниси унга қаттиқ алам қилди ва бу нарсанинг тагига етишга олт ичди. Ўзининг олиб келган товарларини сотаётган кимсадан уни қаердан олганлигини сўраса, уни кимлардир келтириб берганлигини айтади-ю, лекин унинг аниқ ким ва қачон олиб келганлигини айтмайди. Бир томони шунча миллионлик юкидан мосуво бўлган, иккинчи томондан ва уни олиб бераман деб ваъда қилган аёлнинг макрига учраб, беш юз АҚШ доллари микдорда қарзга ботган Зулайхо ахийри ҳуқуқ-тартибот органларининг,

хусусан, ички ишлар ходимларининг кирдикорларини фош қилишга бел боғлайди. Айрим қонун посбонларининг ўзлари қўл урган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни ва бу кийим-кечакларнинг савдо-сотиги билан шуғулланаётган аёлнинг ёлғончилигини

матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага билдиришга киришади. Ундаги шижоатни кўриб менда ҳам ушбу жумбоқли масаланинг охиригача етиш иштиёқи кучайди. Чунки бу ерда жуда ҳам қизиқ ва ғаройиб деталлар мавжудлиги менинг диққатимни ўзига тортди.

Дастлаб журналистик суриштирув ишларини Тошкент шаҳар Бектемир тумани давлат солиқ инспекциясидан бошладим. Инспекциянинг навбатчи қисмидаги ходим ҳақиқатдан ҳам шаҳар ички ишлар бошқармаси коррупцияга қарши кураш бўлимидагилар ЙХХПХ постида бўлган тунда Зулайхо исмли аёлни товарлари ортилган “тико” машинаси билан келтирилганлигини айтди. Айни вақтнинг ўзида улар билан биргаликда далолатнома тузилган бўлса-да, ушбу товарлар туман солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказилмаганлигини ҳам тасдиқлади. Навбатчи қисмдаги ходимдан ўзини таништиришни сўраганимда “ака бизга тинчлик керак, сизга бу ҳақда гапирмадим ва сиз эшитмадингиз” деб қўя қолди. Эртага ИИБчилар томонидан бунинг учун унга кутилмаган муаммолар туғдирилиши мумкинлигини дарҳол тушундим. Тошкент шаҳар ИИБсига бу ҳақда маълумот олиш учун қилган уринишларим бекор кетди. Лекин айнан шу шикоят юзасидан ИИВлига қилган мурожаатимдан сўнг бевосита ушбу бошқарманинг ишини назорат қиладиган бошлиқ масаланинг жиддийлигини ҳис қилди шекилли, бу билан шахсан ўзи шуғулланишини ва менга жавобини айтишни маълум қилди. Кута бошладим. Орадан ярим

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

соатлар ўтди, чамаси... Ўйиннинг қизиғи шундан кейин бошланди...

Ўша куннинг ўзида ҳали тушликкача бирмунча вақт борлигига қарамасдан бирдан иш кабинетимдаги телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтаришим биланоқ “Ассалому-алайкум, Нарзулла ака, яхшимсиз? Мен президент аппаратининг матбуот хизматидан Тўлқин Пўлатовман. Сизда зарур бир маслаҳатли ишим бор эди” деб қолди.

- Майли, нима қилиш лозим, боришим керакми? - дедим. Шунда у: “Йўк, мен ўзим кечроқ соат олтиларда ўтаман, фақат қўлингизга тушган шикоят хатини регистрация қилмай туринг”, - деди. Ҳақиқатдан ҳам кечки пайт соат 18.00да Ўзбекистон радиосининг сквердаги биноси ёнига келиб менга қўнғироқ қилди, мен тушиб бордим. Ташқарида мени дастлаб радио бўйича режим ва хавфсизлик хизмати бўйича ходим Коир кутиб олди ва менинг кимнидир қидираётганлигимни билгандек, мен қараган томонга у ҳам аланглаб қарай бошлади. Президент аппаратидан келган машинанинг ёнида турган йигитга кўзим тушиши биланоқ йигит мен томонга кела бошлади. Шунда бирдан режим хизмати ходими Коир югуриб бориб у билан мендан олдин кўриша кетди. Афтидан, менга “нега бу кишини овра қилиб юрибсиз?” деган ишорани англамоқчидай бўлди. Мен Тўлқинни телефон орқали гаплашганда танимаган бўлсам-да, уни кўришим биланоқ танидим, албатта. Уни “Ёшлар” телеканалининг “Давр” информацион дастурида кўргандим. Биз кўришиб, саломалик қилиб бўлгунимизча, махсус хизмат йўриқчиси ўз-ўзидан ғойиб бўлди.

Шунда Тўлқин Пўлатов менга қулимсираб боқар экан, “Ака, сизга ёзилган аризадаги ИИБ бўлимидаги ходимлардан бири, уларнинг ўша тундаги навбатчилар раҳбари менинг жияним бўлади, шунинг учун ушбу шикоятни расмийлаштирмай қўяқолинг. Шу кун улар бир ахлоқлик қилиб қўйишибди. Нима бўлганда ҳам ёшлик қилган-да” деб қолди.

- Хўш, мен бу аризани ўрганмадим ҳам дейлик, эртага нима бўлишини биласизми? - дедим.

Қолаверса, Тўлқин, жиянингиз у аёлнинг пулга чакканда қанча миқдордаги товарларини давлат ҳисобига кириб қилмасдан ўзининг чўнтагига уриб юрганлигидан хабарингиз бўлса керак. Ахир, аёлнинг бир-икки эмас, тўртта фарзанди бор экан. Тирикчилик йўлида



ўша норасидаларни боқаман деб шу аҳволга тушиб қолган.

Тўлқин шу захотиёк менинг ёнимда жиянига қўнғироқ қилиб: “Бахтиёр, нима қилиб қўйган бўлсанг, ҳаммасини тўғирла, товарларни ўз эгасига қайтар, тушундингми?”- дея гапни қисқа қилди. Кейин менга юзланиб, “мана ёнингизда жиян билан гаплашдим, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади”, деб сўз бергандай бўлди. Шу аснода бўлиб ўтган суҳбатни шикоят ёзган аёлга тушунтирдим, у ҳам хотиржам бўлди. Мен ҳам бунга ишондим. Орадан бир ҳафта ўтди. Ҳа, айтмоқчи, бу орада Тўлқиннинг ўша жияни Бахтиёр “Мен радионинг ёнидаман, бир дақиқага чиқасизми?” деб қолди. Чикдим, гаплашсам, осмондан келиб гап бошлади. “Менинг вақтим йўк, бугун кечда ҳам рейдга чиқишим керак, шикоятчи аёл хоҳласа икки минг АҚШ доллари бераман, холос. Хоҳламаса ўзи билади” дея дағ-даға қила бошлади. Мен унга: “Ука, мен сиз билан савдолашаётганим йўк. Сиз шунча миқдордаги буюмларни расмийлаштирмасдан олиб бозорда соттирганлигингиз жиноят эканлигини ва бунинг охири нима бўлишини биласизми?” - дедим-у, балога қолдим. “Бор ҳамманг, қўлларингдан келганини қилмайсанларми, икки минг бераман дедим, вассалом” деди-ю, жўнаб кетди. Хуллас, ҳеч қандай натижа бўлавермади. Шундан сўнг бу ҳолни Бахтиёрнинг тоғаси бўлмиш - президент аппаратидаги Тўлқин Пўлатовга ҳам, ИИВлигидаги масъул шахсга ҳам айтганимда, уларнинг иккиси ҳам бу машааха жонига тегиб кетганлигини айтишди. Ҳаттоки, ИИВлигидаги бошқарма бошлиғи “Менга деса, ана, ёнингизда - республика прокуратурасига бериб юборинг, биратўла улардан қутуламиз” деди жиддий оҳангда.

Бу томонда эса шикоят ёзган аёл менга “Сиз улар томонга ўтиб кетдингизми, суриштирув ишлари олиб бормай қўйдингизми?” дея эътироз билдира бошлади. Сўнг Зулайхо опага ушбу шикоят хатини тўғри республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармасига олиб бориб топширишини маслаҳат бердим ва шундан кейин ҳам бирор бир натижа бўлмаса, ҳеч бир идора томонидан ушбу аризага реакция бўлмаётганлиги хусусида радиода жиддий бир эшиттириш қилишимизни тушунтирдим. Мен бу аёлга ўз билганимча оддий бир йўналиш бердим, холос.

Ҳақиқий тўс-тўполон шундан кейин авжга чиқди. Буни қарангки, Бош прокуратура ушбу шикоят аризасини ўз жойида кўриб чиқиш ва ҳал этиб, тегишли чора кўриш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани прокуратурасига юборган. Бунинг натижасида Тошкент шаҳар ИИБсининг бир қатор ходимлари пайтавасига қурт тушган. Аризачидан эса уларнинг ҳатти-ҳаракати борасида кўрсатмалар ола бошланган. Бундай ҳолдан ўша тунда постда навбатчилик қилган ИИБ ходимларининг барчаси типирчилаб, ўзларининг барча “канал”ларини ишга солиш ҳаракатига тушган. Худди шу ҳаракатларнинг натижаси ўларок, телерадиокомпания раисининг ўринбосари режим ва хавфсизлик хизмати раҳбари Баҳром Ўтанов ҳам худди шу “канал”ларга туташ эканлиги аён бўлиб қолди. У ўз командаси билан ишга киришиб, энг аввал каминага нисбатан кундан-кунга турли кўринишдаги босим ва кузатиш ишларини кучайтира бошлади. Хуллас, коррупцион занжир ўзининг навбатдаги амалиётини бажаришга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

киришди.

Аввалига ўзини Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан юборилган бир элчидан, деб таништирган бир йигит: “Агар ўша опа, яъни Зулайхо ёзган аризаси ва берган кўрсатмаларини Бектемир тумани прокуратурасидан икки соатнинг ичида қайтариб олмайдиган бўлса, сизни ҳозирнинг ўзида қўлингизга кишан уриб, тегишли жойга олиб кетамиз, кейин у ёғи нима бўлишини жуда яхши биласиз...” - дея пўписа қилиб кетди. Ишхонамда бир соатлар чамаси бошим қотиб турганида телефон жиринглаб қолди. Гўшакни олишим билан битта нотаниш овоз: “Бир соат вақтинг қолди, эсдан чиқмасин” деб бирдан гўшакни кўйди. Хайриятки, телефон аппаратида рақамларни аниқлаш имкони бор эди, ушбу кўнғироқнинг Тошкент шаҳар ИИБсидан бўлаётганлигини аниқладим.

Бир ёқдан эса АТСда ишлаётган бир укамиз “Ака, Баҳром Ўтановнинг малайлари сизнинг телефонингизни бир неча кундан буён тинглаяпти ва сизнинг линиянгиз махсус ёзиб олинган ускунага уланган, шунингдек, радио бўйича режим ва хавфсизлик хизматининг радио бўйича масъул ходими Расулов Хуршид сизнинг хонангиздаги телефон аппарати билан ҳам қизиқмоқда” дея шипшиди. Шундан сўнг бир кун ҳам ўтмасдан Радио уйининг бош муҳандиси Козим хонамдаги телефон аппаратини топширишим лозимлигини, бу ўша Хуршиднинг топшириғи эканлигини айтди. Хуршидга бу ҳақда айтсам, “мен нима қилай, шундай буйруқ бўлган” дея ўзини оклашга уринди. Бу буйруқ ким томонидан бўлганлигини айтмайди. Бош муҳандис Козим эса “Тўғриси айтиладиган бўлсам, бунинг орқасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Баҳром Ўтанов турибди. Бу масалани ўша одам ҳал қилади, менга шахсан унинг ўзи топшириқ берди, ишонмасангиз бориб сўранг”, деди.

Охири, “Ўтанов ҳал қиларканда” деган ўй билан тўғри унинг кабинетига кириб бориб муаммони айтдим. Бироқ у “ким айтди, мени телефон билан шуғулланади деб” дея тутоқиб кетди. “Буни менга бош муҳандис Козим айтди”,

деганимни биламан, режим хизмати раҳбари ўзини тутолмай, бирдан Козимга кўнғироқ қилиб: “Қачон мен сенларга телефонни олиб қўйинглар дедим, қачондан буён мен телефон билан шуғулланадиган бўлиб қолдим,” деб ўшқирди ва кўпол сўзлар билан уни ҳақоратлай кетди. Сўнг менга “шу ёлғончиларнинг гапига ишониб юрибсизми?” дегандай қараш қилди. Мен содда бундай қарашга ишонибман. Радиога қайтиб борганимни биламан, шундоққина остонада мени яна бош муҳандис кутиб олиб: “Ака, сиз Ўтановнинг кабинетидан чиқиб кетишингиз биланоқ у менга яна кўнғироқ қилиб, “унинг хонасидаги телефон аппаратини қандай қилиб бўлса-да олиб қўйиб, менга бу ҳақда ҳисобот берасан”, деб телефон трубкасини қўйиб қўйди”, деди. Мен яна дарҳол ортимга қайтиб иккиюзламачи Баҳромнинг ёнига бордим. У кўзимга бақрайиб туриб: “Ака мен нима қилай, шунақа тартиб - мумкин эмас экан” деди. Бироқ бу ҳақдаги буйруқни ким берганлигини айтилмасдан каловланди.

Айни шу кунларда менга ва оиламга, айниқса, вояга етмаган болаларимга нисбатан йўлда, кўча-кўйда, мактаб ва боғчасида ички ишлар тизимидаги баъзи ходимлар ва улар ёллаган кимсалар томонидан қаттиқ таъқиб-таъйиқлар бўлаётганлигини ва бундан биз жабр тортаётганлигимизни ҳамда бунинг оқибати жиддий бўлиши мумкинлигини Ўтановга тушунтиришга ҳарчанд уринмай, у буни тушунишни истамади. Ҳаттоки, у мени бундай пайтда телерадиокомпаниянинг ходими сифатида ҳам ҳимоя қила олмаслигини айтди. Менга ва оиламга, хусусан, болаларимга нисбатан бўлаётган таъқиблар хусусида республика миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратурасига қилган мурожаатларимдан сўнг бу ҳужумлар бироз босилгандай бўлди.

Дарвоқе, ана шу талотўплар орасида ўзларига кўзғатилган жиноят ишини қандай қилиб бўлмасин ёпиш тараддудига тушиб, югуриб қолган Тошкент шаҳар ИИБ ходимлари ариза муаллифининг йўқотилган суммаси ўрнини қоплаб, ўзлаштирилган барча маблағни эгасига қайтариб берган. Бундан хурсанд бўлган шикоят хати муаллифи каминга

ва телерадиокомпанияга кўнғироқ орқали ўз миннатдорчилигини билдирди.

Мен ўшанда бир нарсага амин бўлдим: Бизнинг жамиятда шикоят ёзишдан ҳам, шикоятни ўрганишдан ҳам ва шикоятнинг ўрганилишидан ҳам кўрқадиганлар талайгина экан. Шикоят ёзишдан кўрқадиганлар вақти ва уринишлари бесамар кетишини, ўзларига баттар душман орттиришини ўйлаб кўрқадилар. Шикоятни ўрганишдан кўрқадиганлар даъвогар томон ҳақми ёки жавобгар томонми, аниқлабунча боши қотгани етмагандай, ҳам ғарлигу ўғирлик ва ҳам пешғирлик қиладиганларнинг уюшган тўдаси таъқибларига, таъйиқ тажовузларига дучор бўлиб, ўзининг ва оиласининг ҳаётини хавф остига қўйиши муқаррарлигидан кўрқишади. Шикоятнинг ўрганилишидан кўрқадиганлар эса, калаванинг учи алалоқибат ўзларига келиб тўхташидан, жамиятда юз бераётган қонунбузарликларнинг авж олишига аввало ўзлари, яъни чуқур илдири отиб кетган коррупционер занжир сабабчи эканлиги фош бўлиб қолишидан, агар фош бўлиб қолса, ўзларининг-да қатта-қатта жиноятлари очилиб, даласига текинга оқизиб қўйилган моддий дарёнинг “суви қуриб” қолишидан кўрқишади. Шу боис жон-жаҳдлари билан бирлашиб, бор имкониятларини ишга солиб, шикоят ёзувчини ёки шикоят ўрганувчини, умуман, ҳақиқат излагувчининг ўзини “қора” қилишга, ҳатто гумдон қилишга киришишади.

Бу ҳолат бориб-бориб жамиятнинг ич-ичидан емирилишига ва алалоқибат унинг ҳалокат сари юз буришига сабабчи бўлади. Миллатнинг эртаси хусусида ана шундай чуқур ва оғир мулоҳазаларга борар экансан, ўз-ўзидан яна шу ҳақли савол юзага сизиб чиқади: юртни, халқни жар ёқасига яқинлаштираётган бу иллатларни бартараф этишнинг, нахотки, ҳеч бир иложи топилмас? Мамлакатни ким, кимлар бошқараяпти?..

(давоми бор)

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов